



Милодий I асрда яхудийлар Рим оккупациясининг барча жозибасини тотиб кўришди. Уларни Рим императори ҳақига дуо қилиш, унинг номига атаб қурбонлик қилиш ҳамда Қуддусдаги ибодатхона қалитларини римлик кохинларга топширишга мажбур қилишди. Уларни яна махсус солиқ ва ўлпонлар билан кўмиб ташлашди. Яхудийлар эътиқодини ҳисобга олмасак, бу зулмларга чидаса бўларди. Аллоҳ ва Унинг ердаги халифасидан бошқанинг ҳукмронлигини тан олиш руҳоний ва диний радикаллар учун чидаб бўлмас ҳолат эди.

Ҳукмронлик ва бойлик учун кетаётган кураш билан бу тўқнашувлар янада огирлашди: синедрион хазинаси ва унга тушаётган пулларни назорат қилувчиларни дунёвий ҳукумат тайинлаши ҳам шулар жумласига қиради. Яхудийлар маҳаллий маъмуриятга ишга киришга муваффақ бўлсалар ҳам диний тақиклар туфайли улар барибир қийин ахволда эди.

КАДИМГИ ПАРТИЗАНЛАР

Диний мутаассибларнинг ҳаракатлари ҳақида милодий 40-50 йиллардан зикр қилина бошланди. Ўшанда бозорда сикарийлар [лот. *sicarii* — «ханжарчилар»] катта руҳоний бўлган Ионатанни пичоклаб кетишади. Сўнг пичоклаб кетиш амалиёти гуруҳнинг ўзига хос бир белгиси бўлиб қолди: катта маъракалар, маърузалар вақтида ёки шу қаби бошқа тадбирларда оломон ичидан чиқиб, ўзлари душман деб билган шахсларга ханжарларини санчиб ўлдиришар эди. Римни тан олишга чақирганларнинг кўпи шу йўл билан ўлдирилди. Сикарийлар қайта тирилишга, танасухга ишонар ва ер юзида руҳонийлар савдогар, ҳарбий ва дехконларни бошқарадиган теократик деспотияни қуришни хоҳлар эди.

РИМГА ҚАРШИ КЎЗГОЛОВ

Икки юз мингдан ошиқ Қуддус аҳолиси қуйидаги тўрт фиркага мансуб эди:

саддукейлар-рухонийлар, синедрион аъзолари ва шаҳарнинг бой-бадавлатлари; ессеийлар-зоҳид ва пацифистлар; фарисейлар-тинчликпарвар васатийчилар; зелотлар-инкилобчи ва миллатчилар. Сикарийлар эса зелотларнинг ҳарбий қаноти эди. Римликларга қарши Биринчи Яхудийлар уруши бошланишидан аввал радикаллар ўз сафини фитначилар, қарокчилар ва бир неча таниқли рухоний ва даъватчилар билан тўлдирган эди. Қундузи улар император номига атаб қурбонлик қилишга ҳамда унинг ҳайкаллари ибодатхоналарга ўрнатилишига, ватан ҳоинлари ҳисобланган одамларни рухоний этиб тайинланишига қарши даъват қилишарди. Тунлари эса ҳайр-эҳсон, садақаларни йигувчиларга ҳужум қилишар ва давлат пулларини ўмаришар эди. 66-йили прокуратор Гессий Флор (Gessius Florus) Қуддус аҳолисини солиқларни тўлиқ тўламаганини баҳона қилиб шаҳар бош ибодатхонаси ҳазинасини олиб қўйди.

Сикарийлар биринчи бўлиб қўчаларда жангларни бошлаб юборади ва шохнинг собиқ саройини қамал қилишади. Сикарийлар шаҳар бўйлаб тарқалади ва ўзлари душман деб билган ўз диндошларини қатл қилишга қиришиб кетади. Рим гарнизонига ҳавфсизлик ваъда қилинади, бироқ легионерлар қуролларини топшириб бўлгач, ҳаммасини аёвсиз қўйиб ташлашади, сўнг жасадларини қўчаларда судраб юришади.

Кўзголончилар иккита ҳужумни қайтаришга муваффақ бўлишади (римликлар тор довол орқали чекинаётганида олти мингга яқин аскарларини йўкотади). Кўзголончилар бир-бирлари билан ҳокимият учун қурашиб, урушнинг охиригача армияни шакллантира олмади.

Одатда бўладигани қаби, инкилоб зелотлар қўли билан қилинади, бироқ Иудеяда Рим ҳукмронлигига чек қўйган ҳокимият рухоний Ханнан бошчилигидаги фарисей ва саддукейлар қўлига ўтади. Икки йил эркинлик ва тинчлик ҳукмронлик қилади. 68-йил Римнинг жазоловчи легионлари бостириб келади. Улар тез орада Қуддус шаҳридан бошқа аввал йўкотган барча ерларини қайта босиб олишади. Қатта озик-овқат захираларига эга қучли қалъа йиллаб қамалга бардош бериши мумкин эди, аммо шаҳар аҳолиси ўртасида қиккан ихтилоф ва низолар уларни заифлаштириб қўйди.

ҲАММА ҲАММАГА ҚАРШИ

Зелотлар мудофаадаги муваффақиятсизликларда мўътадил фиркаларни айблашади ва террор бошланиб кетади. Рим босқинчиларига қарши кўзголон фуқаролар урушига айланади, яъни яхудийларнинг турли хил фиркалари ўз фиркаларига мансуб бўлмаган бошқа миллатдошларини қиришга тушади. Жазоловчи уқта легион эгаллаган Галилеядан ўз мол-мулклари ва қариндошларидан айрилиб қелган қочқинлар сулҳ ҳақида оғиз очадиган бўлса, шафқатсиз тарзда дарҳол ўлдириллар эди.

Қўчада даъватчилар лаънатга дучор бўлдик, охир қамонга жуда яқин қолди, дея даъват қилишар эди. Кўзголонни янада радикаллаштириш учун сикарийлар озик-овқат захираларини йўқ қилиш ва қудуқларни захарлашга тушди. Фарисей ва саддукейларнинг юзлаб аъзолари ўлдирилди.

ИБОДАТХОНАНИНГ КУЛАШИ

70-йил императора Веспасианнинг ўгли Тит бошчилигидаги римликлар Куддусни ишғол қилиш учун шаҳарни камал қилдилар. Шаҳарни босиб олиш учун куллар ва хизматчиларни ҳисобга олмаганда, 40 минг аскар тўпланди. Камал ҳақида алоҳида тўхталмасак бўлмайди. Манжаниклар уч деворни тешиб ўтди ва олти ой давомида легионлар маҳалла кетидан маҳаллаларни ола бошлади. Шаҳар ва ибодатхона олов ичида қолди. Асирлар аёвсиз қириб ташланди. Куддус кулади ва унинг аҳолиси қул қилиб сотилди. Тит катта олтин ўлжасини қўлга қиритди, ҳатто ўша вақт олтин қўплигидан бутун империяда олтин кадри тушиб кетганмиш.

Омон қолган зелот ва сикарийлар подшоҳ Ироднинг қадимий қалъасига чекинишди. Қалъа номи Масад бўлиб чўллар ўртасидаги қоя устида жойлашган эди. Шу ерда улар энг сўнги жанглари қутиб олишди. Римликлар қалъанинг тошдан бунёд қилинган ташки муҳофаа иншоотларини йўқ қилганидан сўнг барча умидлар йўққа чиқди. Минглаб қалъа ҳимоячилари ўз оилалари билан ўзларини ўзлари ўлдиришди. Хотинлари фарзандларини ўлдиришди, эрлари эса хотинларини. Қуръа ташлаш орқали ўнта эркак танлаб олинди ва қолганларни шулар сўйиб ташлади. Озик-овқатлар ва бошқа нарсаларни ёқиб, сўнг улар ҳам ўзларини ўлдиришди. Римликлар Масад қалъаси ичидан факат жасадлар ва ёниб қул бўлган кулларни топишди, ҳолос.

Радикаллар гуруҳи ҳам йўқ қилинди. Жуда оз қолган бошқа сикарийлар Мисрга қараб қочишди. Фуқаролар уруши ва Римнинг жазоловчи амалиётларида умумий ҳисоб билан миллиондан ошқ одам ҳалок бўлди.

Мана орадан икки минг йил ўтиб ҳам, яхудийларнинг баъзи экстремистик фиркалари ўзларини сикарийлармиз, дейишади.

Тарихий манбалар асосида
Абу Муслим тайёрлади